

Ўзбекистон ва Россия Президентлари кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим эканини таъкидладилар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд куни билан самими муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Россия халқига эга тинчлик-осойишталик ва бардавом равнақ тилади.

Президент Владимир Путиннинг замонавий Россияни барпо этишдаги тарихий роли ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами муттасил ошиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхона ва банклари иштирокида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Спутник V» вакцинасини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда: қайта тикланган Тошкент кинофестивали доирасида ўтган ҳафта Россия киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Мамлакатимизда Бутунrossия давлат кинематография институтининг хориждаги илк филиали очилди. Бундан ташқари, шу кунларда Тошкент шаҳрида Россияда таълим олишга бағишлиланган кўргазма ўтказилди.

Президентлар келгуси ойда бўлиб ўтадиган Россия Федерациясига олий даражадаги давлат ташрифига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилдилар.

Халқаро сиёsat ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан, шу жумладан

Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек илиқ, самимий ва дўустона руҳда ўтди.

Манба